



АЙБЛОВ ҲУКМИ ҚАРОР ҚИСМИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА УНИНГ МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИШИ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ

Обидов Толибжон Авазхонович

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси, Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман судининг раиси
akrom.tojibayev@mail.ru
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7950049>

ARTICLE INFO

Received: 11th May 2023

Accepted: 18th May 2023

Online: 19th May 2023

KEY WORDS

Айб, айблов, жазо,
жавобгарлик, жиноят, ҳукм,
иқрорлик, келишув, суд, судья.

ABSTRACT

Мазкур мақолада айблов ҳукми қарор қисмининг қонунийлиги ва унинг моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри қўлланиши билан узвий боғлиқлиги таҳлил этилган. Бундан ташқари, ишларни апелляция ва кассация инстанцияларида кўриш жараёнида суд қарорларига қўйилган талаблар доирасида ўрганилиб, ваколатлари доирасида тегишли қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар ҳам ўрганилган.

Қонунчилигимизда судлар томонидан қабул қилинаётган суд қарорларига қўйилган юқорида кўрсатилган талаблар аниқ белгилаб берилган.

Ишларни апелляция ва кассация инстанцияларида кўриш жараёнида суд қарорларига қўйилган талаблар доирасида ўрганилиб, ваколатлари доирасида тегишли қарорлар қабул қилинади. Статистик маълумотларни ўрганиб таҳлил қилиниши, судлар томонидан суд қарорларига нисбатан қўйилган талаблар қанчалик бажарилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, 2022 йил мобайнида апелляция ва кассация тартибида кўрилган ишлардан жами 5459 та (2021 йилда 4937 та) суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Бу рақамлардан судьялар томонидан суд қарорларини чиқаришда амалдаги қонун нормаларини бузиш ёки уларни тўғри қўллашда камчиликлар мавжудлиги кўринади. Шу сабабли суд қарорининг қонунийлигига доир мулоҳаза юритмоқчимиз.

Айблов ҳукми қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Қонуний чиқарилган ҳукм деганда судья томонидан қонунийлик, жиноят ишларини ҳайъатда ва яқка тартибда кўриб чиқиш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, судда ишларни юритишда тортишув ҳамда далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш принципларига қатъий амал қилинганлиги тушунилади. З.Ф.Иноғомжонова бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирганлар: “Ҳукм қуйидаги талабларга қатъий риоя қилган



холда чиқарилган бўлса, уни қонуний деб аташ мумкин: 1) судья ЖПКнинг 11-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва бошқа қонунларга аниқ риоя қилган бўлса; 2) ЖПКнинг 13-моддасида белгиланганидек, судьяларнинг таркиби (хайъат ва якка тартибда кўришда) қонуний бўлса; 3) судья ўз фаолиятларини мустақил, бирон-бир аралашувсиз ҳал қилган бўлса (ЖПКнинг 14-моддаси); 4) суд муҳокамаси иштирокчиларининг тенглиги, шаъни, қадр-қиммати ҳурмат қилиниб, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш талаблари бажарилган бўлса (ЖПКнинг 16, 17, 18-моддалари); 5) суд мажлисини ўтказиш тартиби, талаби ва шарт-шароитларига қатъий риоя қилинган бўлса (ЖПКнинг 19, 25, 26, 456-моддалари)”¹.

Айблов ҳукми қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Қонуний чиқарилган ҳукм деганда судья томонидан қонунийлик, жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, судда ишларни юритишда тортишув ҳамда далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш принципларига қатъий амал қилинганлиги тушунилади. Қонунийлик одил судловнинг асосий конституциявий принципларидан биридир. Қонунийлик деганда барча давлат ва нодавлат органлари ҳамда ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва уларга мувофиқ келадиган бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига оғишмай амал қилиши ва ижро этиши тушунилади. “Мазкур принцип ишга тааллуқли барча ҳолатларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона ўрганилишини, ҳар бир ишнинг тўғри, қонунга мувофиқ равишда кўриб чиқиши ва ҳал этилишини, суд муҳокамаси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш ва унинг талабларига риоя қилиш руҳида тарбиялашни таъминлашга қаратилгандир”².

Шу билан бирга қонун ости ҳужжатларидаги айрим “оқ доғлар” ҳам қонунларни нотўғри қўлланишига, оқибатда қонунийлигини шубҳа остига қўядиган айблов ҳукмлари қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Жиноят кодекси 54-моддасининг 1-қисмида жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилиши белгиланган. Жиноят кодексининг 54-моддасига кўра, суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Маълумки, жазо жавобгарликнинг бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жазо тайинлаш учун асослар жиноят учун жавобгарликнинг асослари (ЖК 16-моддаси 2-қисми)га мувофиқ бўлиши лозим. ЖК 16-моддасининг иккинчи қисмида жиноят учун жавобгарликнинг асослари келтирилган бўлиб, унга кўра Жиноят кодексида

¹ Иноғомжонова З.Ф. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда суд назорати. Монография. –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.22.

² Жиноят процесси. Умумий қисм. /З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 63.



назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Ушбу тушунча, жиноят қонунининг принциплари, жазонинг мақсади ҳамда жазонинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, жазо тайинлаш учун асослар бир қанча ҳолатларни ҳисобга олишни талаб этади³.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазо тайинлашнинг умумий асосларига нисбатан турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи бир муаллифлар уни жиноят учун жазо тайинлашнинг принциплари деб ҳисоблаб, бошқалари эса, ушбу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини инкор этмаган ҳолда, мустақил тушунчалар эканлиги ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлишини ва алоҳида қаралиши кераклигини таъкидлашади. Ушбу ҳолда жазо тайинлашнинг умумий асослари суд жазо тайинлашда амал қилиши керак бўлган жазо тайинлаш мезонлари, талаблари ёхуд қоидалари сифатида қаралади⁴.

Бу борада, назаримизда, Якубов А.С. ва бошқалар томонидан билдирилган фикрлар анча тўғри ва аниқроқдир. Яъни жазо тайинлашнинг умумий асослари жиноят қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқувчи ва Жиноят кодекси принципларига асосланган ҳуқуқий кўрсатмалар тизими бўлиб, суд улар асосида жиноят содир этганликда айбдор бўлган шахсга тайинладиган жазонинг тури ва миқдорини белгилайди⁵.

Таъкидлаш керакки, жиноят учун жазо тайинлашда жиноят қонуни умумий принципларининг ролини инкор этиб бўлмайди, чунки ушбу жараёнда одиллик, инсонпарварлик, қонун устуворлиги ва бошқа принципларга ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлашда риоя этилиши зарурки, шу жиҳатдан, гарчи улар бир-биридан мустақил тушунчалар бўлса-да, уларнинг боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди.

Юқоридагиларга кўра, жазо тайинлашнинг умумий асослари дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш тамойилларининг намояндаси бўлиб, айнан улар Жиноят кодекси Махсус қисми доирасида содир қилинган жиноят учун муайян жазо тури ва миқдорини белгилашда аҳамият касб этади.

Жиноят қонунда жазо тайинлашнинг умумий асослари билан биргаликда, қонунда назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш тўғрисидаги қонуннинг назарда тутилганлиги, адолат меъёрларининг ифодаси сифатида қаралади.

Жиноят учун жазо тайинлаш қоидалари тизимида енгилроқ жазо тайинлаш қоидалари алоҳида аҳамият касб этиб, жазо тайинлашнинг ушбу қоидалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасида назарда тутган бўлиб, унга кўра “Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус

³ Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейлари учун дарслик. Р.Кабулов, М.Х. Рустамбоев, А.А. Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 265 б.

⁴ Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейлари учун дарслик. Р.Кабулов, М.Х.Рустамбоев, А.А. Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 265 б.

⁵ Бу ҳақида қаранг: Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. – Тошкент, 2003. – 6-б.; Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: ИИВ Академияси. 2005. 330-б.; Горелик А.С. Назначение наказания по совокупности. – Красноярск, 1975. – С.10.; Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. – Москва, 2002. – С.423 ва бошқалар.



қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин”.

Юридик адабиётларда қонунда назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш қоидалари борасида ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи бир муаллифлар уларни жазо тайинлашнинг махсус асослари, бошқалари эса - жазо тайинлашнинг махсус қоидалари ёки алоҳида тартиби, алоҳида шартлари, алоҳида қоидалари ёхуд жазо тайинлашнинг аниқ мезонлари эканлигини таъкидлашади.

Шунинг билан биргаликда, жазо тайинлашнинг ушбу қоидалари баъзи бир муаллифлар томонидан жиноят-ҳуқуқий рағбатлантирувчи нормалар доирасига тегишлилиги таъкидланади⁶.

Назаримизда, қонунда назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш – жиноий жавобгарлик ва жазо тайинлашда дифференциация ва индивидуаллаштириш принципларини амалга оширишда хизмат қилувчи жазо тайинлашнинг махсус қоидалари бўлиб, умумий қоидаларга асосланган ҳолда жазо тайинлашнинг ўзига хос индивидуал хусусиятларга асосланган ҳолатларни эътиборга олишни тақозо этади. Ушбу қоида қўллаш учун, ўз навбатида жиноят таркиби доирасига кирмайдиган ҳолатлар, жумладан, содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори сабаб бўлиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, ушбу ҳолатларни аниқлаш ва жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиш, фақат суднинг ваколатига тегишлидир.

Юридик адабиётларда жазо тайинлашнинг ушбу қоидалари унинг умумий асосларидан чекинишга олиб келади деган фикрлар ҳам йўқ эмас⁷.

Бизнинг назаримизда, ушбу қоида жазо тайинлашнинг умумий асосларини тўлдиргани ҳолда, агар жазо тайинлашнинг умумий асослари барча жиноят ишлари бўйича жазо тайинлашда эътиборга олиниши тақозо этилса, ушбу қоидалар фақат алоҳида ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

ЖК 57 –моддаси енгилроқ жазо тайинлаш қоидаларини назарда тутар экан, жиноят иши бўйича алоҳида ҳолатларни эътиборга олиш имкониятини яратиб, ўз мазмунига кўра жазо тайинлашнинг ўзига хос қоидаларини белгилайди, бу борада Жиноят кодекси Махсус қисми санкцияси доирасида тайинланадиган жазо қандай мақсадларни назарда тутса, ушбу қоидалардан худди шундай мақсадлар назарда тутилади. Яъни, жазо тайинлашнинг умумий асосларига тўла мос келади

Баъзи бир муаллифлар, жазо тайинлашнинг умумий асосларидан четга чиқиб, қонунда назарда тутилганига нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш, фақат санкция доирасида тайинланиши мумкин бўлган жазонинг ҳақиқатда оғир ва адолатсиз бўлиб қолган ҳолларига тегишлилигини таъкидлайдилар.

⁶ Коняхин В.П. Теоретические основы построения Общей части российского уголовного права /Предисл. А.В.Наумова. СПб.,2002. –С.203.

⁷Комментарий к УК РФ / Под ред. Л.В.Наумова. – М., 1996. – С.176.



Ҳақиқатдан, ҳам суд жазо тайинлашнинг умумий асослари, жумладан, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олгани ҳолда ҳам, ишдаги баъзи бир индивидуал хусусиятларга алоҳида баҳо бермаслиги, адолатли бўлмайди.

ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмига кўра, шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айтиб берилган моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 58- банди, биринчи хатбошида, агар иш бўйича маҳкум бошқа жиноятларда ҳам айбдор эканлиги аниқланиб, улардан айримлари биринчи ҳукм чиқарилгунга, бошқалари эса, ҳукм чиқарилгандан сўнг содир этилган бўлса, иккинчи ҳукм бўйича жазо аввал биринчи ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича, кейин ЖК 59-моддаси саккизинчи қисми қондасига кўра, сўнгра биринчи ҳукм чиқарилганидан кейин содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича ва охирида бир неча ҳукм юзасидан (ЖК 60-моддаси) узил-кесил тайинланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Моддий-ҳуқуқ нормаларининг, жумладан ЖКнинг умумий қоидалари талабларининг нотўғри қўлланиши, судлар томонидан қабул қилинаётган айблов ҳукми қарор қисмининг қонунийлигига тўғридан тўғри таъсир қилади.

Амалиётда юқорида кўрсатилган Пленум қарорларига амал қилиб ҳукм чиқаришда ЖКнинг 33-моддаси 2-қисми талаблари бузилиш ҳолларини учратиш мумкин.

Жумладан, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2023 йил 1 майдаги судланган К.Р.га оид жиноят иш бўйича айблов ҳукмининг қарор қисмида судланувчи ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. ЖКнинг 59-моддаси 8-банди талабларидан келиб чиқиб, 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Кейин ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, сўнгра ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган⁸.

Худди шунингдек, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2023 йил 11 майдаги ҳукмига кўра, судланган Р.А.га оид жиноят иш бўйича айблов ҳукмининг қарор қисмида судланувчи икки маротаба ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, биринчи маротаба ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. ЖКнинг 59-моддаси 8-банди талабларидан келиб чиқиб, 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Кейин ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан яна 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, сўнгра ЖКнинг 60-моддаси тартибида 2 йил 2 ой ахлоқ

⁸Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 1-1003-2303/268-сонли жиноят иши материалларидан олинган маълумот.



тузатиш ишлари жазоси тайинланган.⁹ Амалиётда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мазкур ҳукмлар апелляция тартибида кўрилмаганлиги боис, айблов ҳукмининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлигига баҳо берилмаган.

Бизнинг фикримизда мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига риоя этилган бўлсада, ЖКнинг 33-моддаси 2-қисми талаблари тўғридан-тўғри бузилган ва ушбу айблов ҳукмини қонуний дейиш мунозарали ҳисобланади. Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади.

Шу ўринда юқорида кўрсатилган Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли Қарорининг 58- банди, иккинчи хатбошида, шахс давомли ёки узоққа чўзилган, яъни биринчи иш бўйича ҳукм чиқарилгунча қадар бошланиб, ҳукм чиқарилгандан сўнг ҳам давом этган жиноят учун судланаётган бўлса, суд иккинчи ҳукм бўйича жазо тайинлашда ЖК 60-моддасини қўллаши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Бизнинг фикримизча айблов ҳукмини чиқаришда ва айблов ҳукмининг қарор қисмида амалдаги қонунларга тўлиқ риоя этган ҳолда қонуний суд қарорини қабул қилиш учун, амалиётда учраётган юқорида кўрсатиб ўтилган мунозарали суд қарорларини қабул қилинмаслигига йўл қўймаслик учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 58- банди, иккинчи хатбоши тўлдириш билан ўзгартириб, қуйидагича, яъни “шахс давомли ёки узоққа чўзилган, яъни биринчи иш бўйича ҳукм чиқарилгунча қадар бошланиб, ҳукм чиқарилгандан сўнг ҳам давом этган жиноят учун судланаётган бўлса, ёки ЖКнинг 33-моддаси тартибида жазо тайинланаётган бўлса, суд иккинчи ҳукм бўйича жазо тайинлашда ЖК 60-моддасини қўллаши лозим” деб баён қилиш мақсадга мувофиқ бўларди.

References:

⁹Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 1-1003-2301/281-сонли жиноят иши материалларидан олинган маълумот.